

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019. Qx. 42.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ШАВКАТ МУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАСИДА КОВУЛ (*CAPPARIS  
SPINOSA L.*) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

УЎК: 633.845.581.526.534. (575.1)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Эргашев Шавкат Муродович**

Ўзбекистон тоғ олди минтақасида ковул (*Capparis spinosa L.*) ўсимлигини  
етиштиришнинг самарадорлиги ..... 3

**Эргашев Шавкат Муродович**

Эффективность возделывания растения каперсы колючие (*Capparis  
spinosa L.*) в предгорных регионах Узбекистана.....21

**Эргашев Шавкат Муродович**

Efficiency of cultivation of *Capparis spinosa L.* in the foothill regions of  
Uzbekistan ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 42**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx. 42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ШАВКАТ МУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАСИДА КОВУЛ (*CAPPARIS  
SPINOSA L.*) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2024**

Кишлоқ хўжалиги фаълари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx757 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаши веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раббимов Абдулло**

кишлоқ хўжалиги фаълари доктори, к.и.х.

**Расмий охинонентлар:**

**Имминов Абдували Абдуманнобович**

кишлоқ хўжалиги фаълари доктори, профессор.

**Ортикова Лола Соатовна**

кишлоқ хўжалиги фаълари бўйича фалсафа доктори, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12/2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашининг 2024 йил «27» 09 соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ, тел.: (+99878) 150-62-84, факс (+99871) 150-61-37, E-mail: [пахта.uz@mail.ru](mailto:пахта.uz@mail.ru)).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишини мумкин (122 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ, тел.: (+99878) 150-62-84, факс (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2024 йил «13» 09 кунни тарқатилди.  
(2024 йил «13» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



 **Ш.Н.Нурматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши раиси, к.х.ф.д., профессор.

 **Ф.М.Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши илмий котиби, к.х.ф.д., профессор.

 **Ж.Х.Ахмедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаши қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кўпчилик қурғоқчиликка мойил минтақаларида жойлашган мамлакатларида ковул-*Capparis spinosa L.* ўсимлигини қишлоқ хўжалик тизимига киритиш, дориворлик ҳамда озиқ-овқат таъминотига бўлган зарурати сифатида фойдаланиш натижасида ички ва ташқи бозорлардаги кўрсаткичларни орттириш бўйича кенг қамровли тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, қурғоқчил минтақаларда жойлашган Италиянинг жануби Сицилия ороли, Марокаш, Туркия ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ковул маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми 15000-20000 тоннани ташкил этади»<sup>1</sup>. Ўсимликнинг табиий ресурсларидан фойдаланиш билан бир қаторда, сунъий плантацияларини барпо қилиш, уруғини стратификация қилиш йўли билан кўчат олиш ва улардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда ковул-*Capparis spinosa L.* ўсимлигининг сунъий плантацияларини барпо қилиш, уруғини стратификация қилиш йўли билан кўчат олишда илғор технологиялар орқали ёндашиш натижасида дориворлик ҳамда озиқ-овқат таъминотига бўлган эҳтиёжини қондириш, юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бирга, дориворлик хусусиятларини ошириш, маданий ҳолда етиштириш, уруғларининг экинбоплик сифатларини илмий асослаш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ковул-*Capparis spinosa L.* ўсимлиги ўзининг қурғоқчилик ва иссиқ иқлимда ўсишга яхши мослашганлиги туфайли уни кўпайтириш, сунъий плантацияларини барпо қилиш, ўсимликдан озиқ-овқат зарурати сифатида фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом-ашё етиштириш борасида илмий-тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси» тўғрисидаги Фармонида<sup>2</sup> озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш, экспортни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш ва қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли фойдали ўсимлик турларини қишлоқ хўжалиги тизимига киритиш ва қурғоқчил ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда замонавий фан ютуқларини назарда тутган ҳолда кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан бири сифатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил, 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хом-ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 2022-йил, 21-майдаги ПҚ-251 сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда

<sup>1</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/4567334>

даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда 2020 йилнинг 26 ноябрдаги ПҚ-4901 сонли «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ковул ўсимлигини дориворлик хусусиятлари ва бошқа хўжалик белгилари бўйича республикамизда А.Мерганов, З.Абдуллаев, З.Бўстонов, А.Маткаримова, Ш.Турсунова, Ш.Хамидов, Г.Вайсова, А. Раббимов, Ф. Раббимов, Г.Хамроевалар ва бошқалар, хорижий давлатларда З.Шульгау, Л.Арыстан, Ж.Шайкенова, С. Адекенов, А.Arena, G.Bisignano, B.Pavone, A.Tomaino, F.Bonina, A.Saija, M.Cristani, M.Darrigo, D.Trombetta каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Самарқанд вилоятининг тоғ олди минтақасининг суғорилмайдиган ерларида ковул плантацияларини барпо қилиш, уруғининг унувчанлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, ковул кўчатларини етиштиришнинг самарали агротехнологияларини кўллаш, юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти томонидан “ҚХ-А-ҚХ-2018-65” Самарқанд вилояти адирлари шароитида ковул (*Capparis spinosa L.*) ўсимлигини парваришlash агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Республикамиз марказий минтақаси Самарқанд вилояти шароитида ковул етиштиришда уруғлар унувчанлиги ва экинбоплик сифатини ошириш, уруғларни стратификациялаш, экиш муддатлари ва чуқурлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** ковул уруғларини стратификациялаш орқали экинбоплик сифатларини, лаборатория ва дала шароитларида унувчанлигини оширишнинг самарали усулларини аниқлаш;

ковул уруғларини далага ва кўчатхоналарга экишнинг мақбул муддати, чуқурлигини ҳамда ўғит кўллаш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш;

ковулни уруғи ва кўчатидан кўпайтиришнинг барг сатҳи юзасининг ҳосил бўлиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги (ФСМ) ҳамда ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ковулнинг илдиз тизими шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;

ковулнинг экин шароитидаги фитомасса ҳосилдорлигини, озуқабоплик кўрсаткичларини аниқлаш;

ковулнинг товар маҳсулдорлик кўрсаткичларини ва уни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятлари адирлари шароитида ёввойи ҳолда тарқалган ковул популяциялари уруғлари ва Самарқанд вилоятининг тоғ олди ярим чўл (адир) минтақасининг деградацияга учраган яйловлари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** ковул уруғларининг лаборатория ва дала шароитларидаги унувчанлиги, уруғ экишнинг мақбул чуқурлиги ва муддатлари, уруғларнинг унувчанлигини ошириш усуллари, экин шароитида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичлари, илдиз тизимининг шаклланиш хусусиятлари, ўсимликларнинг фитомасса, товар маҳсулот ва уруғ ҳосилдорлиги, барг ҳосилдорлиги, озуқасининг тўйимлилик хусусиятлари, ўсимликни экин шароитида етиштиришнинг агротехник тадбирлари.

**Тадқиқот усуллари.** Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг “Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар”, “Введение в культуру пустынных кормовых растений”, “Изучение фенологии растений”, “Семеноведение полевых культур”, “Методика изучения морфологии подземной части отдельных растений в растительных сообществах” услубий қўлланмаларидан, тадқиқотлардан олинган маълумотларни биостатистик таҳлил қилишда Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор турли ареаллардан териб олинган ковул уруғларини экиш сифати ўрганилган, унда уруғларнинг унувчанлиги пастлиги ва тиним даври узоқлиги аниқланган;

ковул уруғлари унувчанлигини ошириш учун 90 кун давомида совуқ стратификациялаш (ковул уруғларини декабрь-февраль ойларида 3/1 нисбатда намланган дарё кумига аралаштириб, очиқ ҳавода 20 см чуқурликда сақланганда) лаборатория унувчанлигини 86,4%, дала унувчанлигини 69,7% бўлишини аниқланган;

стратификацияланган уруғларни иссиқхона ва дала шароитларида экишнинг мақбул муддатлари (февраль-март) ва экиш чуқурлиги (2-3 см) ишлаб чиқилган;

ковул баргларида чорва учун озуқабоплиги, озиқ овқат учун гул ғунча ҳосилдорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: ковул уруғларининг экинбоплик сифатлари ўрганилиб, уруғларининг унувчанлиги пастлиги, лаборатория шароитида унувчанлиги 8,6% дан, дала шароитидаги унувчанлиги 1,5-2,5% дан ортмаслиги аниқланган.

Таҷрибада ковулнинг 90 кун стратификацияланган усулда уруғини март

ойининг 2 - ўн кунлигида 2 см чуқурликда экилган вариантда энг юқори кўрсаткич кузатилиб, туп сони ўртача гектарига 3150,6 донани, куруқ пичан ҳосили 31,5 ц/га ни, барг ҳосили эса 16,06 ц/га ни, баргларнинг ассимиляция юзаси 3586,2-3391,2 м<sup>2</sup>/га, экинзорнинг фотосинтетик потенциали эса 253749,3-202918,1 м<sup>2</sup>/га\*кун ва фотосинтез соф маҳсулдорлик 2,55-2,43 г/м<sup>2</sup>\*суткани, ўртача ҳосилдорлик 662,4 кг/га, соф даромад 30121131,1 сўм ва рентабеллик даражаси 93,7 % ни ташкил этган.

Ковулни кўчат усулида 15-март муддатида 30 т/га гўнг+200 кг/га меъёрда фосфор қўлланилганда энг юқори гул ғунчалари ҳосилдорлиги кузатилиб, 3-йилги экинзорда гул гулғунчалар ҳосилдорлиги 698,0 кг/га ни соф даромад 31637779,4 сўм ва рентабеллик 93,1 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотлар вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг Халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг Халқаро ва Республика миқёсидаги илмий - амалий анжуманларда баён этилганлиги, шунингдек, маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илк бор унувчанлиги жуда паст бўлган ковул уруғларига экишдан олдин махсус ишлов бериш усули “узок муддатли совуқ стратификациялаш” ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу усулни қўллаш орқали уруғларнинг лаборатория ва дала шароитида унувчанлигини ошириш мумкинлиги исботланган. Ўсимликни экин шароитида парваришlashда уруғ экишнинг оптимал муддатлари, чуқурлиги аниқланган. Ковул кўчатларини етиштириш ва парваришlashнинг технологияси ишлаб чиқилган. Илк бор ковул баргларининг озучабоплик хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундаки, олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига асосланиб, адирлар шароитида ковул ўсимлигини экин шароитида етиштириш бўйича агротехник тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, илмий ишланманинг адир минтақасида жойлашган фермер хўжаликларида жорий қилинганлиги ва суғорилмайдиган адир ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг кескин ортганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Самарқанд вилоятининг тоғ олди ярим чўл минтақасида ковул - *Capparis spinosa* L. ўсимлигини етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари асосида:

“Самарқанд вилояти адирлари шароитида ковул - *Capparis spinosa* L. ўсимлигини етиштириш бўйича агротехник тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 14.09.2023 йилдаги 04/21-05/4050 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги адир минтақасида жойлашган “Бахром бобо” фермер хўжалигида ковулнинг 2,0 гектардан иборат плантацияси барпо этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 14.09.2023 йилдаги 04/21-05/4050 сон маълумотномаси). Натижада 1360 кг экспортбоп маҳсулот олинган гектаридан 53,4 млн. сўмлик соф фойда олинб, рентабелликнинг 90,0% бўлишига эришилган;

Иштихон туманидаги “Ҳасан бобо” фермер хўжалигида 1,0 гектардан иборат ковул плантацияси барпо этилган: Ушбу плантациядан ўсимликлар ҳаётининг учинчи йилидан бошлаб йилига гектаридан 750 кг экспортбоп маҳсулот олинб, гектаридан 29,45 млн. сўмлик соф фойда олинган рентабеллик даражасини 99,3% бўлишига эришилган, шунингдек Жомбой туманининг “Балли Азаматлар” фермер хўжалигида 1,0 га майдонда ковул плантацияси барпо этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 14.09.2023 йилдаги 04/21-05/4050 сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 620 кг маҳсулот олинган ва 24,3 млн. сўм соф даромад олинб, рентабелликнинг 81,9% бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Ўзбекистон Республикаси ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш Қўмитаси ҳамда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий-амалий анжуманларда 5 марта маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган. Илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси ҳорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бет компьютер матнидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот услублари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ковул (*capparis spinosa* L.) нинг аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ҳосилдорлиги ва дориворлик хусусиятлари ҳамда

**етиштириш агротехнологияси бўйича тадқиқотларнинг таҳлили**” деб номланган биринчи бобида ўсимликнинг дориворлик хусусиятларини ўрганиш, фармацевтика ва халқ табobatiда ишлатилиши, турли касалликларни даволаш ва профилактикасидаги аҳамияти, ўсимлик уруғларининг унувчанлигини ошириш усуллари баён қилинган. Жаҳон ва маҳаллий илмий адабиётлар шарҳи келтирилган. Дунёнинг қатор мамлакатларида ковул гул гунчалари ва меваларидан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилаётганлиги, Ўрта ер денгизи атрофи мамлакатлари, жумладан, Италия, Испания, Туркия, Шимолий Африка мамлакатларидан Марокаш, Жазоир давлатларида ўсимликнинг сунъий ишлаб чиқариш плантацияларини барпо қилиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари натижалари батафсил таҳлил қилинган. Жаҳон бозорида ковул маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, Ўзбекистонда ковулнинг мавжуд табиий ресурсларидан кейинги йилларда жадал фойдаланилаётганлиги, ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг долзарблиги, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва жадаллаштириш мақсадида ўсимликнинг ишлаб чиқариш плантацияларини барпо қилиш, ўсимликни парваришлашнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишнинг зарурати асосланган.


Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган Самарқанд вилояти, Нуробод тумани адирлари тупроқ-иқлим хусусиятлари, тадқиқот йилларида иқлим шароитлари, тадқиқотларни олиб боришда фойдаланилган услублар баён қилинган. Тажриба даласи Зарафшон тоғ тизмасининг жанубий томонидаги адирлар минтақасида денгиз сатҳидан 529,2 м баландликда жойлашган. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 15,9<sup>0</sup>С ни ташкил қилиб, абсолют максимуми- +42,7<sup>0</sup>С ни, абсолют минимуми эса – 14,4<sup>0</sup>С ни ташкил қилади. Худудда совуқ кунлар 62 кун давом этади. Тупроқ ҳарорати ўртача 18<sup>0</sup>С ни ташкил этиб, абсолют максимуми 66<sup>0</sup>С гача қизиши, абсолют минимуми эса – 17<sup>0</sup>С гача совиб кетиши кузатилган. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 317,0 мм ни, суткадаги максимал миқдори 30,1 мм ни ташкил қилганлиги кузатилган. Тажриба даласининг тупроқлари тоғ-жигарранг тупроқлари тоифасига кириб, механик таркибига кўра ўрта қумоқ ва оғир қумоқ тупроқлар деб номланади. Тупроқдаги гумуснинг захираси 133,65 т/га дан 418,95 т/га гача ўзгариб туриб, ўртача кўрсаткич 276,30 т/га ни ташкил қилади. Гумуснинг миқдори тупроқнинг юза (0-30 см) қатламида кўпроқ (0,812%), 30-50 см чуқурликдаги қатламда бу миқдор камайиши кузатилади (0,765%). Ялпи азотнинг миқдори ҳам юза қатламда кўпроқ, яъни 0,212% бўлса, 30-50 см чуқурликда унинг миқдори 0,072% гача, ялпи фосфорнинг миқдори тегишлича 0,132%; 0,114% гача, калийнинг миқдори ҳам юза қатламда 1,425%ни, 30-50 см қатламда 1,230% га тенг бўлганлиги аниқланган.

Тажриба даласининг табиий ўсимлик қоплами адир минтақасига хос эфемер ва эфемероид турлар, дағал пояли ўсимликлардан ташкил топган.

Тажрибалар олиб борилган худуднинг иқлим кўрсаткичлари Нуробод метеорологик станцияси маълумотларига кўра, худуднинг ўртача йиллик ҳаво

ҳарорати кейинги 5 йил ичида 16,48<sup>0</sup>С ни ташкил қилган.

Кейинги 5 йилда турли йилларда йиллик ёғингарчилик миқдори 164,8 мм дан 463,1 мм гача ўзгариб туриб, ўртача 5 йилда 298,3 мм ни ташкил қилган бўлса, тадқиқотларнинг биринчи 2020 йилида йиллик ёғингарчилик миқдори жуда кўп, яъни 463,1 мм ни, тадқиқотларнинг иккинчи йили (2021 й.) ўта қурғоқчил, яъни йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача кўрсаткичга нисбатан 133,5 мм кам бўлган.



1-расм. 2022-йилдаги ёғингарчилик миқдори, мм

Уруғларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлигини ўрганишда ТС-80-М-2 термостатидан фойдаланилди. Ўсимликларнинг йиллик ўсишини ўрганишда ҳисоб пайкалчаларидаги 25 туп ўсимликнинг ҳар қайсисидан биттадан энг узун генератив новдани унинг бошланиш нуқтасидан ўсиш нуқтасигача линейкалар ёрдамида ўлчаш орқали, баҳорда (май) ва кузда (октябрь) амалга оширилган.

Ўсимликларнинг шохланиш (тупланиш) даражасини баҳолашда 25 тупдан ўсимликларнинг генератив новдаларини санаш орқали, 1000 дона уруғлар массасини аниқлашда уруғшуносликда умум қабул қилинган услублардан фойдаланилган.

Ковул кўчатларини етиштиришда стратификацияланган уруғларни кўчатхонага сочма усулда экиб, 2,0 см дарё қуми билан кўмиб, усти плёнка билан май ойигача ёпилиб, униб чиққан майсаларни йил давомида парваришlash агротехник тадбирлари амалга оширилган.

Уруғларнинг унувчанлигини ошириш усуллари ишлаб чиқишда уруғларни механик ва кимёвий скарификациялаш, узоқ муддатли совуқ стратификациялаш усулларидан фойдаланилди;

Ўсимликларнинг товар маҳсулдорлигини аниқлашда 15 туп ўсимликларда ҳосил бўлган гул ғунчалари, мевалари сонини санаш орқали, ўсимликларнинг фитомасса структурасини ўрганишда ўсимлик ер устки фитомассасини новдалар, барглари ва генератив органлари (гул ғунчалари, гуллари ва мевалари) фракцияларига ажратилиб, уларнинг массасини аниқлаш ва фоизларда ифодалаш орқали, ўсимликларнинг илдиз тизимининг шаклланишини ўрганишда экин шароитидаги 1-3 ёшдаги ўсимликларнинг илдизларини ўраковлаш услубидан, ўсимликнинг озучабоплик хусусиятлари Ўзбекистон ФА

биоорганик кимё институти мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилган. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга статистик ишлов беришда Б.А.Доспехов (1979) услубларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Тажрибада фойдаланиш учун турли ҳудудлардан келтирилган ковул уруғларини маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ва танлаб олиш”** деб номланган учинчи бобида тажрибада фойдаланиш учун турли ҳудудлардан келтирилган ковул уруғларининг 1000 донаси абсолют массаси, бир дона мевасида уруғлар сони, уларнинг лаборатория унувчанлиги ва уруғлар унувчанлигини оширишда турли усулларда ишлов беришнинг таъсирини ўрганишдан олинган натижалар баён қилинган.

Турли ковул популяцияларида 2018 йилда ҳосил бўлган уруғларининг 1000 донаси абсолют массасини ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткич турли популяцияларда 5,10 г дан 7,36 г гача бўлиб, энг йирик уруғлар Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ва Жиззах вилоятининг Зомин туманида ўсиб турган популяцияларида кузатилган. 1 дона мевасида ўртача 291,7 ва 296,6 донадан уруғлар мавжудлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

**Ковулнинг 1 дона мевасидаги уруғлар сони, дона**

№	Табий популяциялар	М±m
1	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	291,7± 26,8
2	Жиззах вилояти, Зомин тумани	296,6±22,7
3	Самарқанд вилояти, Иштихон тумани	228,6±19,3
4	Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани	193,6±12,8
5	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани	86,3±5,3
6	Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани	224,8±21,7
7	Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани	198,1±17,1

Ковул уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тажриба натижаларининг кўрсатишича уруғларнинг унувчанлиги турли популяцияларда жуда паст, яъни 2,7-5,6 % дан ошмаган.

Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги ҳам 1,5-2,5 фоиздан ошмаган. Уруғларнинг унувчанлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижасида уруғларни узоқ муддатда совук стратификациялашнинг юқори самара бериши, 90 кун давомида стратификацияланган уруғлар унувчанлигининг лаборатория шароитида 86,4 %, дала шароитида эса 69,7 % бўлишига эришилган.

Диссертациянинг **“Ковул етиштиришда агротехнологик тадбирларнинг самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида стратификацияланган уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги, уруғларни далага экишнинг оптимал чуқурлиги ва муддатлари, ковулни кўчатидан кўпайтириш, ўсимликларнинг ривожланиш кўрсаткичлари, ковулнинг экин шароитида ўсиш, ривожланиш кўрсаткичларига маҳаллий ва минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганишдан олинган маълумотлар баён қилинган. Ковул уруғларини экишдан олдин 90 кун давомида стратификациялаш ва март ойида 2-

3 см чуқурликда экиш орқали уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлигининг 53,7% бўлишига эришиш мумкинлиги аниқланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ковул уруғларининг турли экиш чуқурлигидаги унувчанлиги, % Тепакул тажриба даласи, 2020 й. (n=100)

Экиш чуқурлиги, см	Униб чиққан майсалар сони, дона				M ±m	Унувчанлик, %
	I	II	III	IV		
1,0	12	18	19	23	18,0±2,2	18,0
2,0	42	46	53	74	53,7±7,1	53,7
3,0	31	48	32	46	39,2±4,5	39,2
4,0	16	12	7	5	10,0±2,4	10,0

Ковул уруғларининг дала унувчанлиги уруғлар 90 кун давомида совук стратификация қилиниб, февраль ойида турли чуқурликларга экилганда унувчанлик вариантлар бўйича ўртача 18,0-53,7% ни ташкил этган бўлса, ҳаво ва тупроқ ҳарорати бироз ошган вақтда, яъни март ойида турли чуқурликларда экилганда унувчанлик 19,2-64,8% бўлганлиги ва февраль ойида экилгандагига қараганда 1,2-11,1% юқори бўлиши таъминланганлиги қайд этилган.


Экиш чуқурлигининг ковул уруғлари унувчанлигига таъсири бўйича уруғлар февралда экилган фонда уруғлар 1,0 см чуқурликда экилганда унувчанлик 18,0±1,12%, 2,0 см чуқурликка экилганда 53,7±3,10%, 3,0 ва 4,0 см чуқурликларга экилганда тупроқ ҳароратининг бироз пасайиши эвазига унувчанлик мос равишда 39,2±4,79% ва 10,0±2,64% бўлганлиги аниқланган.

Стратификацияланган (90 кун) уруғлар март ойида экилганда февраль ойида экилган вариантлардагига қараганда унувчанлик мос равишда 1,2; 11,1; 10,9; 9,3% кўп бўлганлиги қайд этилди. Ушбу ҳолат март ойида ҳаво ва тупроқ ҳароратининг ортиши билан изоҳланган.

Шунингдек, уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантда 3,5 дона ёки 1,0 см чуқурликка экилган вариантга қараганда 0,7 дона кўп бўлганлиги аниқланган.

Тажрибанинг биринчи йилида ҳар туп ўсимликда ҳосил бўлган барглар сони вариантлар бўйича 74,3 донадан 96,8 донагача бўлиб, уруғлар март ойида экилган вариантларда февраль ойида экилган вариантлардагига қараганда кўп бўлиши, ўз навбатида ҳар иккала экиш муддатида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда бошқа экиш чуқурликларига қараганда барглар сони кўп бўлган.

Ўсимлик ўсиши-ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу уларда тўпланган қуруқ модда миқдори ҳисобланиб, тажриба вариантларида қуруқ модда миқдори уруғлар февраль ойида экилган вариантларда 16,3-57,6 г/ўсимлик бўлган бўлса, уруғлар март ойида экилган вариантларда 27,6-76,6 г/ўсимликни ташкил этганлиги аниқланди. Ўсимликнинг қуруқ модда тўплашида ҳам юқорида таъкидланганидек, уруғлар 2,0 см чуқурликка экилганда энг юқори натижалар қайд қилинган (2-расм).



**2-рассм. Ковул уруғларини экиш муддати ва чуқурликларининг барг сони ва курук модда микдорига таъсири (1-йил)**

Ковул етиштиришнинг биринчи йилида ўтказилган таҳлиллarda, ўсимликнинг барг юзаси уруғлари февралда экилган вариантларда 44,91-153,56 минг м<sup>2</sup>/га ни ташкил этган бўлса, уруғлари мартда экилган вариантларда эса барг юзаси янада кенгроқ бўлганлиги, яъни 72,17-197,57 минг м<sup>2</sup>/га ни ташкил қилганлиги аниқланган.


### 3-жадвал

**Ковулнинг фитометрик кўрсаткичларига экиш муддатлари ва экиш чуқурликларининг таъсири (биринчи йил)**

Экиш муддати	Экиш чуқурлиги, см	Барг юзаси, минг м <sup>2</sup> /га	Фотосинтетик потенциал, минг м <sup>2</sup> /га*кун	Курук модда, ц/га	Фотосинтез соф маҳсулдорлик г/м <sup>2</sup> *сутка
февраль (II-ўн кунлик)	1,0	44,91	8083,91	0,41	5,04
	2,0	153,56	27640,40	1,44	5,21
	3,0	89,67	16140,31	0,83	5,14
	4,0	88,53	15935,53	0,78	4,91
март (II-ўн кунлик)	1,0	72,17	12268,86	0,69	5,62
	2,0	197,57	33586,70	1,92	5,70
	3,0	140,74	23926,62	1,36	5,68
	4,0	129,57	22027,26	1,24	5,63

Экинзорнинг фотосинтетик потенциали (ЭФП) уруғларни экиш муддатларига кўра, уруғлар феврал ойида экилган вариантларда 8083,91-27640,40 минг м<sup>2</sup>/га\*кун ни ташкил этган бўлса, уруғлар март ойида экилган вариантларда эса 12268,86-33586,70 минг м<sup>2</sup>/га\*кун бўлганлиги ҳамда энг юқори кўрсаткичлар ҳар иккала экиш муддатида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантлардаги ўсимликларда қайд этилди. Уруғлар янада чуқурроқ (3-4 см) экилган вариантларда эса, ўсимликларнинг дастлабки давридаги қоқоқлиги сақланиб қолиб, бу ҳолат фотосинтетик потенциалда ҳам ўз ифодасини топган (3 - жадвал).

Фотосинтез соф маҳсулдорлик уруғлар февраль ойида экилган вариантларда 5,04-5,21 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этган бўлса, уруғлар март ойида экилган вариантларда эса уруғлар февраль ойида экилгандагига қараганда бироз юқорилиги (5,62-5,70 г/м<sup>2</sup>\*сутка) аниқланди (3-жадвал ва 3-расм). Шу билан бирга уруғлари бироз чуқурроқ (3-4 см) экилган вариантлардаги ўсимликларда ҳам фотосинтез соф маҳсулдорлик нисбатан паст бўлганлиги кузатилган.




**3-расм. Ковулнинг фотосинтез соф маҳсулдорлигига экиш муддатлари ва чуқурликларининг таъсири, г/м<sup>2</sup>\*сутка (1-йил)**

Тажрибанинг иккинчи йилида ўсимликлар мавсум давомида бир туп ўсимликда ҳосил бўлган новдалар сони вариантлар бўйича ўртача ҳисобда 3,7-4,7 донани, уларнинг ўртача узунлиги эса 15,5-23,6 см ни ташкил этиб, энг юқори натижалар уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда ҳисобга олинган.

Тажрибанинг иккинчи йилига келиб уруғлар февраль ойида экилган вариантларда барглари сони ўртача ҳисобда 467,1-495,2 донани, уруғлар март ойида экилган вариантларда 486,7-516,7 донани ташкил этди. Уруғлар юза (1,0 см) экилган вариантларга қараганда 2,0 ва 3,0 см чуқурликка экилган вариантларда ўсимликлар учун бирмунча қулай шароит яратилиб, экиш чуқурлигининг кейинги ортишида яна барглари бироз кам бўлганлиги қайд этилди. Ўсимликнинг ўсиши, баргланиши ўз навбатида қуруқ модда тўпланишига таъсир кўрсатди. Тажириба вариантлари бўйича ўсимлик қуруқ модда миқдори уруғлар февраль ойида 1,0 см чуқурликка экилган вариантда 112,2 г, 2,0 см лик вариантда 168,8 г, 3,0 см лик вариантда 197,3 г ва 4,0 см лик вариантда 171,5 г ни ташкил этган бўлса, уруғлар март ойида экилган вариантларда кўрсаткичлар тегишлича 141,6; 259,6; 212,6 ва 194,2 г ни ташкил этиб, уруғлар февраль ойида экилган вариантлардагидан кўплиги аниқланган.

Тажрибанинг иккинчи йилига келиб, барг юзаси тажириба вариантларида экиш муддатлари ва экиш чуқурликлари бўйича фарқланди. Масалан, уруғлар февраль ойида экилган вариантларда барг юзаси 635,26-11483,69 минг м<sup>2</sup>/га, март ойида экилган вариантларда эса 856,77-1492,64 минг м<sup>2</sup>/га, фотосинтетик

потенциали эса экиш муддатларига тегишлича 114347,1-213064,0 ва 145650,6-253749,3 минг м<sup>2</sup>/га\*кунни, куруқ модда 2,81-4,93 ц/га ни ташкил этган бўлса, уруғлар март ойида экилган вариантларда эса 3,54-6,49 ц/га бўлиб, 0,73-0,56 ц/га кўплиги, энг юқори фотосинтетик потенциал уруғлар 2-3 см чуқурликка экилган вариантларда қайд этилган (4-расм).



4-расм. Ковулнинг куруқ модда тўплашига экиш муддатлари ва чуқурликларининг таъсири, ц/га (2-йил)

Ўсимликнинг барг юзаси, фотосинтетик потенциали ва куруқ моддани аниқлаш орқали фотосинтез соф маҳсулдорлик ҳам ҳисоблаб топилди. Ҳисоблаш натижаларидан маълум бўлишича, ковулнинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги иккинчи йилги вегетациясида биринчи йилдагига қараганда деярли 2 баробар камайганлиги, вариантлар бўйича ўртача 2,30-2,56 г/м<sup>2</sup>\*сутка ни ташкил этиб, ҳар иккала экиш муддатларида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда энг юқори натижалар қайд этилганлиги аниқланган.

Тажрибанинг учинчи йилида новдалар сони ўртача ҳисобда 4,2-5,4 донани, узунлиги тажриба вариантлари бўйича ўртача 44,2-56,4 см ни, бир туп ўсимликда ҳосил бўлган барглари сони (1009,6 дон) куруқ модда 178,6-332,6 г/ўсимликни ташкил этиб, ҳар иккала экиш муддатида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда кузатилган.

Дала тажрибаларида ўсимликда ғунчалар сони вариантлар бўйича 22,4-28,4 дон, гуллар сони 17,6-22,7 донани ташкил этганлиги аниқланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, энг юқори кўрсаткич ҳар иккала экиш муддатида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда қайд этилди. Бунда уруғлар март ойида экилган вариантларда февраль ойида экилган вариантлардагига қараганда ғунчалар сони экиш чуқурликларига мос равишда 2,2; 2,9; 1,6; 0,5 дон, гуллар сони эса тегишлича 0,6; 1,4; 0,7; 0,4 дон кўп бўлган.

Тажрибанинг учинчи йилида ўсимликнинг барг юзаси 2168,01-3638,06 м<sup>2</sup>/га, фотосинтетик потенциал 390242,5-618470,3 м<sup>2</sup>/га\*кун, куруқ модда миқдори 4,46-8,31 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлик эса 1,14-1,34 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этиб ҳар иккала экиш муддатида ҳам уруғлар 2,0 см чуқурликка экилган вариантларда қайд этилган.

Тажриба даласида ковулнинг товар (гул ғунча) ҳосилдорлиги март ойининг 2-ўн кунлигида 2 см чуқурликда экилган вариантда кузатилиб бир ўсимликда ғунчалар сони 216,5 дона, оғирлиги 273,5 г га, гектаридан эса 662,4 кг экспортбоп маҳсулот олинганлиги аниқланган (4 жадвал).

4-жадвал

**Экиш муддати ва экиш чуқурлигининг ковул ўсимлиги товар (ғунча)  
ҳосилдорлигига таъсири, кг/га (2022 й)**

Вар. Рақ.	Экиш муддати	Экиш чуқурлиги, см	I	II	III	IV	Ўртача.
1	Феврал, 2-ўн кунлик	1	513,9	562,2	533,0	493,5	525,7
2		2	590,2	645,8	612,2	566,9	603,8
3		3	554,0	606,2	574,7	532,1	566,8
4		4	528,5	578,2	548,1	507,5	540,6
5	Март, 2-ўн кунлик	1	567,4	620,8	588,5	545,0	580,4
6		2	643,0	710,1	673,1	623,3	662,4
7		3	606,7	663,8	629,3	582,7	620,6
8		4	581,4	636,1	603,0	558,4	594,7

Ковулни кўчат етиштириш орқали кўпайтиришнинг самараси ўрганилганда, мазкур усулда уларнинг яшовчанлигининг 83-85%, далага экилганидан сўнг иккинчи йилидан бошлаб жадал ривожланиши, ҳар бир тупда 7-8 та новдалар ривожланиб, уларнинг узунлиги 50-60 см ни ташкил қилган ва 17-20% ўсимликларнинг генератив фазага кириши аниқланган.

Ковул илдиз тизими биринчи йилида тупроққа 30-35 см чуқурликкача, диаметри илдиз бўғзида 0,5 см гача етади. Иккинчи йилида илдиз тизими вертикал йўналишда тупроққа 130-135 см чуқурликкача кириб бориб, илдиз бўғзида асосий ўқ илдизнинг диаметри 1,5 см ни ташкил қилган.

Уч ёшдаги ўсимликларнинг марказий ўқ илдизи тупроққа 170 см, майда ён илдизчаларни ҳосил қилади. Тупроқнинг 10-20 см қатламида горизонтал йўналишдаги 2 та ён илдиз ривожланади ва улар ён томонларга 35-40 см масофагача етиб бориши кузатилган.

Ковул етиштиришда уруғ экишдан олдин тупроққа 30 т/га чириган гўнг ва 200 кг/га аммофос қўллаш орқали унумдорлигини ошириш ўсимликларнинг жадал ўсиши ва ривожланишини таъминлаб, ҳосилдорликнинг 30 фоизгача ошишини таъминлаган (4-жадвал). Яъни, назорат вариантыдаги ўсимликларнинг бўйига ўсиши шу даврга келиб 8,9 см ни ташкил қилган бўлса, ўғитланган вариантда бу кўрсаткич икки баробар ортиқ, яъни 18,7 см ни, сентябрь ойига келиб эса назорат вариантыда ўсимликларнинг бўйига ўсиши 17,6 см га етган бўлса, ўғитланган вариантыда бу кўрсаткич 26,7 см ни ташкил қилган.

Сентябрь ойига келиб, назорат вариантыдаги ўсимликларнинг аксариятида асосан 1 дона асосий новда ривожланган бўлса, ўғитланган вариантыдаги

Ўсимликларнинг асосий новдаларида 1-2 донадан ён шохларнинг ривожланиши кузатилиб, ўсимликларнинг 17 фоизда ҳосил элементларининг (гул ғунчалари) ривожланганлиги ва айрим ўсимликларнинг гуллаш фазасига киришганлиги кузатилган (5 - жадвал).

5-жадвал

**Ковулнинг 2-вегетация йилидаги хўжаликбоп хусусиятлари кўрсаткичлари, (2021 й).**

Хўжаликбоп хусусиятлари	Назорат	Гўнг-30г/га + Аммофос-200 кг/га	Назоратга нисбатан, %
Асосий новдалари сони, дона	2,6±0,7	4,3±1,2	165,3
Бўйига ўсиши, см	48,7±3,2	78,6±4,3	161,4
Ён новдалари сони, дона	8,7±2,8	16,6±2,4	190,8
Ён новдаларнинг бўйига ўсиши, см	15,2±1,9	24,6±1,8	161,8
Ҳосил элементлари (гул ғунчалари, гул ва мевалар) сони, дона/ туп	24,6±2,7	56,8±3,6	130,8
Ўсимликнинг ер устки кўк фитомассаси, г/туп	230,6±5,8	346,7±4,8	150,3

Нисбатан қурғоқчил келган 2021-йилда ўсимликларнинг гуллаш даврида (июнь) ўсиш, ривожланиш кўрсаткичлари бўйича назорат ва тажриба вариантлари ўртасида асосий хўжаликбоп хусусиятлари: новдалар сони, ён шохларининг ривожланиши, энг муҳими, гул ғунчалари ва гуллари сони жиҳатларидан ўғитланган вариантнинг устунлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ковул етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган бешинчи бобида ковул кўчатзорини барпо этишда стратификациялаш орқали уруғлари унувчанлигини ошириб дала шароитида уруғидан экиш ҳамда кўчат усулидан фойдаланиш, шунингдек, кўчатдан кўпайтиришда унинг яшовчанлигини оширишда кўчатларни экиш муддатларига боғлиқ ҳолда маҳаллий ва фосфорли ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган натижалар баён қилинган. Тажрибада ковулни стратификацияланган усулда уруғидан парваришlashда экиш муддатлари ҳамда экиш чуқурликларининг иқтисодий самарадорлиги ўрганилганда энг юқори кўрсаткич ковулни март ойининг 2-ўн кунлигида 2 см чуқурликда экилган вариантда қайд этилган. Унга кўра, ўртача ҳосилдорлик 662,4 кг/га, сотишдан тушган даромад 62263250,0 сўм/га, ишлаб чиқариш харажатлари 32142118,9 сўм/га, соф даромад 30121131,1 сўм ва рентабеллик даражаси 93,7 %ни ташкил этган.

Ковулни кўчат усулида парваришlashда 15-март муддатида гектарига 30 т/га гўнг+200 кг фосфор қўлланилганда энг юқори иқтисодий кўрсаткичлар қайд этилган. Ушбу агротехник тадбир натижасида 698,0 кг/га гул ғунча ҳосили етиштирилиб, сотишдан тушган даромад гектарига 65611142,5 сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 33973363,2 сўм, соф даромад 31637779,4 сўм ва рентабеллик 93,1 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Республикамизнинг йиллик ёгингарчилик миқдори 180-270 мм бўлган адир минтақаси суғорилмайдиган ерларида ковул ўсимлигини етиштириш орқали бундай ерлардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш билан бирга, адир яйловлари табиий ўсимлик қопламидан олинадиган ўртача гектаридан 4,0 центнер озукани 16,0 центнергача, яъни 4 мартабага ошириш аниқланган.

2. Ковул уруғидан кўпаювчи ўсимлик бўлиб, уруғлари каттиклик хусусиятига (95-98%) эга ва ишлов берилмаган уруғларни далага экиш кутилган натижани бермайди. Уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги 8,6% дан, дала шароитидаги унувчанлиги 1,5-2,5% дан ортмаслиги аниқланган, Ковул уруғларини декабрь-февраль ойлари давомида 3/1 нисбатда намланган дарё кумига аралаштириб, очиқ ҳавода 20 см чуқурликда ерга кўмилган ҳолатда 90 кун стратификациялаш орқали унувчанлигини лаборатория шароитида 86,4% гача, дала унувчанлигини эса 69,7% гача ошириш мумкинлиги аниқланган.

3. Ковул уруғларини, 90 кун стратификациялаш орқали ковул уруғларини февраль ойининг 2- ўн кунлигида экишга қараганда март ойининг 2- ўн кунлигида экиш, шунингдек уруғларни 2,0 см чуқурликка экиш уруғларнинг унувчанлиги 69,7% бўлишини таъминланди.

4. Ковул кўчатларини етиштиришда 90 кун давомида стратификацияланган уруғлар март ойининг иккинчи ўн кунлигида кўчат етиштириладиган, чуқурлиги 25-30 см бўлган махсус ўрага экилди, ва 2-3 см қалинликда дарё куми билан кўмилди ва яхшилаб суғорилди (агарда зарурат бўлса) ва етарли ҳарорат вужудга келтириш учун полиэтилен плёнка билан кўчатхона усти ёпилса ковул уруғларининг унувчанлиги юқори натижа бериши аниқланган.

5. Ковулнинг фитомасса ҳосилдорлиги гектардаги ўсимликлар туп сони билан узвий боғлиқ. Ҳосилдорлик аниқланган майдончаларда ўсимликларнинг туп сони ўртача гектарига 3150,6 донани ташкил қилди. Ковулнинг ер устки яшил фитомасса ҳосилдорлиги 85,6 ц/га ни, қуруқ пичан ҳосили эса 31,5 ц/га ни, барг ҳосили эса 16,06 ц/га ни ташкил қилиши аниқланди.

6. Тажрибанинг учинчи йилига келиб, ҳар бир туп ўсимликда барг сони ўртача ҳисобда назорат-ўғитсиз вариантларда 954,6-942,3 дона, ўғитланган вариантларда 968,4-979,6 донани ташкил этганлиги, баргларнинг ассимиляция юзаси юқоридагига мос равишда 2416,69-2122,95 ва 3586,22-3391,23 м<sup>2</sup>/га, экинзорнинг фотосинтетик потенциали эса 145620,7-118680,9 ва 253749,3-202918,1 м<sup>2</sup>/га\*кун ва фотосинтез соф маҳсулдорлик 2,43-2,37 ва 2,55-2,43 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этиганлиги аниқланди.

7. Ковулни кўчат усулида 15-март муддатида 30 т/га гўнг+200 кг/га меъёрда фосфорли ўғит (аммафос) қўлланилганда энг юқори гул гунчалари ҳосилдорлиги кузатилиб, 3-йилги 1 туп ўсимликда гул гунчанинг ўртача сони 222,3 дона, оғирлиги 155,4 грамни, гул гулгунчалар ҳосилдорлиги 698,0 кг/га

ни ташкил этганлиги аниқланди.

8. Тажрибада ковулни страфикацияланган усулда уруғидан парваришlashда экиш муддатлари ҳамда экиш чуқурликларининг иқтисодий самарадорлиги ўрганилганда энг юқори кўрсаткич ковулни март ойининг 2-ўн кунлигида 2 см чуқурликда экилган вариантда қайд этилди. Унга кўра, ўртача ҳосилдорлик 662,4 кг/га, сотишдан тушган даромад 62263250,0 сўм/га, ишлаб чиқариш харажатлари 32142118,9 сўм/га, соф даромад 30121131,1 сўм/га ва рентабеллик даражаси 93,7 % ни ташкил этди.

9. Ковулни кўчат усулида парваришlashда 15-март муддатида гектарига 30 т/га гўнг+200 кг фосфор қўлланилганда энг юқори иқтисодий кўрсаткичлар қайд этилди. Ушбу агротехник тадбир натижасида 698,0 кг/га гул ғунча ҳосили етиштирилиб, сотишдан тушган даромад гектарига 65611142,5 сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 33973363,2 сўм, соф даромад 31637779,4 сўм ва рентабеллик 93,1 % га тенг бўлганлиги аниқланди.

10. Самарқанд вилояти Нуробод тумани адир зонасида сунъий ковулзорлар барпо қилиш ва ундан юқори товар (гул ғунча) ҳосили етиштиришда:

ковул уруғларининг унувчанлигини оширишда 90 кун давомида страфикациялаш орқали март ойининг иккинчи ўн кунлигида 2 см чуқурликда экиш;

сунъий ковул кўчатзори барпо этиш ҳамда ундан юқори ҳосил етиштириш учун ковул кўчатини 15-март муддатида маҳаллий ўғит (30 тонна/га) ва минерал ўғит (200 кг/га аммафос) қўллаган ҳолда экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**ЭРГАШЕВ ШАВКАТ МУРОДОВИЧ**

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ РАСТЕНИЯ КАПЕРСЫ  
КОЛЮЧИЕ (*CAPPARIS SPINOSA* L.) В ПРЕДГОРНЫХ РЕГИОНАХ  
УЗБЕКИСТАНА**

**06.01.08 – Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.4.PhD/Qx757

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.psuayiti.uz](http://www.psuayiti.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Раббимов Абдулло</b> доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Иминов Абдували Абдуманнобович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Ортикова Лола Соатовна</b> доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), доцент.
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт лесного хозяйства.</b>

9<sup>00</sup> Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «27» 09 2024 года в 9 часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 11202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: [Ншссавх.uz](mailto:Ншссавх.uz)).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за номером 172). (Адрес: 11202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: [Ншссавх.uz](mailto:Ншссавх.uz)).

Автореферат диссертации разослан «13» 09 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «13» 09 2024 года).



**Ш.Н.Нурматов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

**Ф.М.Хасанова**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,  
к.с.х.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во многих странах мира, расположенных в подверженных засухе регионах, проводятся широкомасштабные мероприятия по повышению показателей внутреннего и внешнего рынка в результате введения растения каперсы колючего – *Capparis spinosa* L. в сельскохозяйственную систему, использования его в качестве необходимости в лекарственном и продовольственном обеспечении. В частности, «среднегодовой объем производства продукции каперсы колючего в засушливых регионах юга Италии, острова Сицилия, Марокко, Турции и других стран Центральной Азии составляет 15000-20000 тонн»<sup>1</sup>. Наряду с использованием природных ресурсов растения, посредством закладки искусственных плантаций, выращивают саженцы путем стратификации семян и достигают получения высокого и качественного урожая.

На сегодняшний день, наряду с удовлетворением потребностей в лекарственном и продовольственном обеспечении, получением высокого и качественного урожая, особое значение имеет повышение лекарственных свойств, возделывание в культуре, научное обоснование посевных качеств семян в результате применения передовых технологий при получении саженцев путём закладки искусственных плантаций растения каперсы колючего – *Capparis spinosa* L. и стратификации семян.

В настоящее время в нашей стране ведется выращивание растения *Capparis spinosa* L., хорошо приспособленного к выращиванию в засушливом и жарком климате. Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № ПФ-5853 «Стратегия развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»<sup>2</sup> предусматривает обеспечение безопасности пищевых продуктов, получение высоких урожаев сельскохозяйственной продукции сельскохозяйственных культур, стимулирования экспорта, диверсификации сельского хозяйства и борьбы с засухой и внедрением в систему сельского хозяйства полезных жароустойчивых видов растений и повышение эффективности использования засушливых земель с учетом достижений современной науки, показано как одно из неотложных вопросов.

